

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
46. Муминов А., Норов Ш. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж. АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
48. Мўминова Г.Э. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
49. Муталлибжонов М.М. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
50. Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
51. Норматов О. ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
52. Нурматова М.М. ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
53. Пардаев А.А. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
54. Примова Ф.А. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
55. Расулов А.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
56. Расулов Ҳ.М. ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ўлжаева Шоҳистахон Мамажоновна

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари
институтининг кафедра мудири,
тарих фанлари доктори, профессор
uljaevashohistahon@gmail.com

Тошпўлатова Нозима, Сурождидинова Маъмурахон

Қўқон давлат педагогика институтининг
Ижтимоий фанлар кафедрасининг ўқитувчилари
rakhimova.80@bk.ru

АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚўЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ (“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”МИСОЛИДА)

For citation: Oljayeva Sh., Toshpolatova N., Surojiddinova M. THE MILITARY TACTICS OF AMIR TEMUR AGAINST THE MONGOLS AND LOCAL RULERS (ON THE EXAMPLE OF "LAYING TEMUR"). Look to the past. 2020, SI, pp. 491-495



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-64>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Мовароуннаҳрда XIV асрнинг 50-60 йилларида юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият таҳлил этилган.

IX-XII асрларда юқори даражада тараққиёт даражасига эришган худуд мўғуллар зулмидан кейин қолоқ давлатга айланиб қолган, халқ икки томонлама зулм остида ҳўрланаётган эди. Шу мураккаб пайтда Амир Темур сиёсат майдонига кириб келади ва у мўғуллар ва маҳаллий тарқоқ амирларга қарши курашни бошлаб юборади. Амир Темур бу хавфли душманларга қарши турли ҳийла ва тадбирлар ишлаб чиқади ва мамлакатни бирлаштириб марказлашган давлатни барпо этади.

Мақолада унинг Мўғулистон хони Тўғлуқ Темур, унинг вафотидан кейин тахтга ўтирган ўғли Илёсхўжага қарши олиб борган курашлари ва қўллаган тадбирлари таҳлил этилган.

Амир Темур маҳаллий урушқоқ амирларга қарши кураш олиб борган ва уларнинг тарқоқлиги ва зўравонлигига чек қўйган.

Калит сўзлар: Амир Темур, Мовароуннахр, Мўғулистон, тарқоқлик, давлат

ВОЕННАЯ ТАКТИКА АМИРА ТЕМУРА ПРОТИВ МОНГОЛОВ И МЕСТНЫХ ПРАВИТЕЛЕЙ (НА ПРИМЕРЕ "УЛОЖЕНИЕ ТЕМУРА")

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется сложная общественно-политическая ситуация в Мовароуннахре в 50-60-е годы XIV века.

Регион, достигший высокого уровня развития в IX-XII веках, стал отсталым государством после вторжения монголов, народ был унижен под двойным гнетом.

В это трудное время Амир Темур вступил на политическую арену и начал сражаться с монголами и местными раздробленными эмирами. Амир Темур чтобы построить централизованное государство разрабатывает различные стратегии и тактики против этих опасных врагов и объединяет страну.

В статье анализируется его борьба и методы против монгольского хана Туглука Темура, его сына Ильясходжа, который вступил на престол после своей смерти.

Амир Темур воевал против местных воюющих эмиров и положил конец их раздробленности и насилию.

Ключевые слова: Амир Темур, Мовароуннахр, Монголия, раздробленность, государство

THE MILITARY TACTICS OF AMIR TEMUR AGAINST THE MONGOLS AND LOCAL RULERS (ON THE EXAMPLE OF "LAYING TEMUR")

ABSTRACT

This article analyzes the difficult socio-political situation in Movarounnahr in the 50-60s of the XIV century.

The region, which reached a high level of development in the 9th-12th centuries, became a backward state after the invasion of the Mongols, people were humiliated under double oppression.

In this difficult time, Amir Temur entered the political arena and began to fight with the Mongols and local fragmented emirs. Amir Temur in order to build a centralized state develops various strategies and tactics against these dangerous enemies and unites the country.

The article analyzes his struggle and methods against the Mongol Khan Tugluk Temur, his son Ilyaskhoja, who ascended the throne after his death.

Amir Temur fought against the local warring emirs and put an end to their fragmentation and violence.

Keywords: Amir Temur, Movarounnakhr, Mongolia, fragmentation, state

XIV асрнинг 50-60 йиллари миллий тарихимизнинг энг оғриқли кечмишларидан биридир.

IX-XII асрларда буюк салтанатлари, моддий-маънавий маданияти билан бутун дунёни ҳайратга солган Марказий Осиё мўғуллар босқини туфайли шу қадар катта йўқотишлар кўрдик, бу инқирозлар қарийб 150 йил давом этиб келди.

Илгариги буюк давлатчилик бешиги бўлган ва унинг маркази бўлган муаззам шаҳарлар вайронага айлантирилган, кутубхоналар ёқилган, ирригация иншоотлари бузилган, ҳунармандчилик, савдо, барча ҳаёт жабҳалари касодга учраганди.

Бу даврда мўғуллар ва маҳаллий бошбошдоқ, тарқоқ, бир-бири билан тинимсиз урушлар олиб бораётган, халқнинг шўрини қуритаётган ҳокимларининг зўравонлиги авжига чиққан эди.

Мана шу оғир дамларда она ватанимиздаги адолатсизлик ва зулмга қарши курашиш учун майдонга Соҳибқирон Амир Темур кириб келади.

Унинг ғалабаларига ўзи томонидан ишлаб чиқилган ҳайратга сазовор ҳарбий ҳийла-стратегия ва тактикалар бош омил бўлиб хизмат қилган. У ҳатто Темур Қарши қальасини забт этишда икки юз қирқ уч киши билан ўн икки минг отлиқ аскарни енгганди.

У агар бу душманларга тўғридан тўғри қилич яланғочлаб чиқаверганда бу даражага етиши амри маҳол эди. Амир Темур фаолиятининг бошиданоқ душманларига психологик ҳужум қилишни одат қилиб олади. Хусусан, Илёсхўжа Мовароуннаҳрга ўттиз минг қўшин билан билан юришни бошлаб юборган даврда Амир Темур Илёсхўжада қўшинининг кўплиги ҳақида тасаввур уйғотиш ва душманни психологик жиҳатдан кўрқитиш, иложи борича уларни мамлакатдан катта урушларсиз чиқариб юбориш чораларини кўра бошлайди. У бу борада қуйидагича ҳарбий ҳийла ишлаб чиққан: тасарруфида ўттиз минг отлиқ қўшини бўлган Илёсхўжа қўшини қаршисидаги кўприк бошига ўзининг икки минг отлиқ аскарини жойлаштиради ва Амир Темурнинг ўзи беш минг отлиқ билан дарёдан ўтиб, Илёсхўжа лашкари тепасидаги тоққа чиқиб ўрнашиб олади ва кечаси билан ўз аскарларига кўп жойлардан гулхан ёқиб, олов ва тутун билан ваҳима солади. Бу ҳийла душман қўшинига қаттиқ таъсир қилади, улар "Амир Темур жуда кўп қўшин билан жангга тайёр" деб ўйлайди, руҳан тушқунлик ва кўрқинч исқанжасида қолади[1].

Улар ваҳима билан ғафлатда ётганда Амир Темур тун панасида тўрт томондан уларнинг устига ҳамла қилгади, Жета лашкари ўзини йиғиб, қўшинини тартибга келтиргунча баҳодир йигитлар уларни тўзатиб ташлайди. Амир Темур билан бўлиб ўтган биринчи катта жангда Илёс Хўжа лашкарини енгиб, ундан кейин душман қароргоҳини қуршаб олган, вақти-вақти билан уларга ҳужум қилиб, тинқасини қуритгани туфайли душман дарёдан ўтиб қайтиб кета бошлайди. Шу тариқа уларнинг ҳужуми синдирилади. Амир Темур мана шу жангда жанг қилмасдан ғалабани қўлга киритади. Бу мағлубият учун мўғуллар яна Ўрта Осиёга келади ва 1365 йилнинг май ойида улар ўртасида Лой жанги бўлиб ўтади[2]. Амир Темур жангда енгилган бўлса ҳам яна кучларни қайта тўплаб уларни Мовароуннаҳрдан бутунлай қувиб юборишга муваффақ бўлади.

Энди Амир Темур ўзига бино қўйган бошқа амирлардан ҳам ўзини улуғроқ билаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга эътибор қаратади. Ўша пайтда Амир Баён Сулдузнинг ўғли амир Шайх Муҳаммад ўзини улуғ амир деб ҳисобларди. Амир Темур унинг (кўнглини топиб), ўз томонига оғдириб олди, етти қўшинга бошлиқ атаб, ўзига муте ва мулозим қилди. Мазкур қўшинларнинг амирларидан ҳар қайсисига вилоят инъом этди.

Ўша даврда Амир Боязид Жалойир Хўжанд вилоятининг ҳокими эди. Амир Темур қанча у билан дўстлашишга ҳаракат қилса ҳам унинг дўстлигини қабул қилмади. Алалоқибатда Амир Темур шундай ҳийла ишлатадики, Амир Боязид

Жалойирга ўз улусининг одамлари қарши чиқиб, Амир Темур ҳузурига уни кишанлаб келтирганлар. Амир Темур унга илтифот кўрсатган ва ўзининг ҳамкорига айлантган.

Амир Темурга қарши исён туғини кўтарган найман уруғидан бўлган, Шибирғонот вилоятини босиб олган, ўз даврининг кучли саркардасига бошқа вилоят бериб, ўзига содиқ навкар қилиб олган.

Навбатда урушқоқ Бадахшон ҳокимлари турарди, уларнинг кўнглига йўл топишнинг гўё иложи йўқ эди. Амир Темур бу ҳолатда уларнинг ҳар бири билан турли келишувлар қилган, яъни ҳийлар билан уларни уруштириб қўйган, натижада улар бир-бирлари билан урушиб кетган ва улар Амир Темурга итоат изҳор этган. Кайхусрав Хутталон вилоятини ва Ўлжайту Апардий Арҳанг вилоятини тасарруфларида тутардилар[3]. Шу пайтда Амир Темур нозик тактик сиёсат юритади. Амир Темур Кайхусравга Ўлжайту Апардийнинг вилоятини босиб олиши учун мадад жўнатади У бориб Ўлжайту Апардийнинг вилоятини забт этади. Оқибатда Ўлжайту Апардий Амир Темур ҳузурига келади ва унга бўйсунди.

Бу амирлар ичида Амир Хизр Ясурий ҳам катта салоҳият ва кучга эга бўлиб, уни бўйсундириш ҳам Амир Темурга осон бўлмаган.

Амир Темур илгаритдан бир-бири билан ёвлашиб келаётган Кайхусрав билан Ўлжайту Апардийни ўзаро яраштирган. Буларга ёрдамчи куч йўсинида бир тўда киши кўшган. Икковлари бирлашиб, ясурийларга ҳужум қилиб, уни енганлар. Амир Хизр (Ясурий) ожиз қолиб Амир Темур ҳузурига келган[4] ва у ҳам Амир Темурнинг хизматига кирган. Амир Темурнинг қудрати кундан-кунга кучайиб бораётганини кўрган Амир Ҳусайн Амир Темурнинг кучайиб кетишидан хавфсирайди ва ҳийла-найранг билан Қарши қальясини унинг тасарруфидан олиб қўяди. Бунга жавобан Амир Темур ҳам бир ҳийла ишлатади.

У ўзини Хуросонга кетаётган киши қилиб кўрсатади ва Хуросондан Қаршига кетаётган қарвондагиларга Хуросонга кетаётгани ва у ердаги ҳолатларни суриштиради. Ўша қарвонга бир айғоқчи қўшиб юборади. Айғоқчи келтирган хабарга кўра, Амир Ҳусайн ва Амир Мусо хурсанд бўлиб айш-ишратга берилиб кетган ва Амир Темурни келмаслигига ишонган бир пайтда у пайт пойлаб шаҳарга ҳужум қилади ва бу шаҳарни улардан қайтиб олади. Амир Темурнинг бир ўзи тунда Қарши шаҳрининг ҳандақидаги тарнов орқали ўтади. Унинг оз сонли қўшини карнай ва бурғуларни чалиб одамларни ваҳимага туширади ва осонгина шаҳарни эгаллайди[5].

Шунингдек, Амир Темур Мовароуннаҳрни бирлаштирган ва мўғуллардан тозалаган бўлса ҳам уларнинг баъзи гуруҳлари қальаларда яшириниб ётган эди. Амир Темур уларни бир ҳийла билан мамлакатдан чиқариб юборади. Ҳийла қуйидагича бўлади: Амир Темур мўғул ҳукмдори Илёсхўжа номидан қальадагиларга қарата ёрлиғ ёзиб, қальани урушсиз топширишларини буюрган. Амир Темурнинг буйруғига кўра, аскарлар чанг-тўзон кўтариб, ўзларини ғанимга кўпдай қилиб кўрсатиб ваҳима билан қальаларга борадилар. Илёс Хожанинг талаби ёзилган ёрлиғни уларга кўрсатадилар. Ёрлиқ ғанимлар қўлига тегиб, Амир Темур лашкарлари кўтарган чанг-тўзонни кўришгач, қўрққанидан тун қоронғусида қальаларни ташлаб қочадилар[6].

Ана шу тариқа Мовароуннаҳрда мўғуллар ва бошбошдоқ амирларнинг зулмига барҳам берилади. Бугунги кунда Амир Темурнинг бу тактика ва стратегиялари бошқа давлатларда кенг ўрганилаётган бўлиб, "биз ҳам ушбу меросдан давлат

хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлашда фойдаланишимиз ва ушбу мавзуни чуқур тадқиқ этишимиз керак" деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

- [1] Темур тузуклари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. - Тошкент: Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991. -Б.33.
- [2] Темур тузуклари/Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси...-Б. 34.
- [3] Темур тузуклари...-Б. 36.
- [4] Темур тузуклари...-Б. 36.
- [5] Ўша китоб...-Б. 37.
- [6] Ўша китоб...-Б. 39.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

L O O K T O T H E P A S T

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000